



## **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI**

---

2025 yil «27» март

№ ПФ–63

### **Энергия самарадорлигини ошириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ва энергия сервис компаниялари хизматлари бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида энергия самарадорлигини ошириш соҳасида **ягона давлат сиёсатини** юритиш, бозор тамойилларига асосланган **яхлит ва мувофиқлаштирилган экотизимни** яратиш, шу жумладан, энергия истеъмоли соҳасида **аудит, консалтинг ва менежмент** ҳамда энергияни тежашдан даромад олувчи **энергия сервис компаниялари хизматлари бозорини ривожлантириш** ва **“яшил” молиявий дастакларни кенгайтириш** мақсадида қарор қиламан:

#### **I. Давлат бошқарувини такомиллаштириш**

- 1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Энергия самарадорлиги миллий агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин.
- 2. Агентликнинг асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:
  - (а) энергия самарадорлигини ошириш соҳасида **ягона давлат сиёсатини** юритиш, соҳада **рағбатлантирувчи ва таъсир этувчи чоралар** ишлаб чиқиш ва тартибга солиш;
  - (б) энергия тежашдан даромад олувчи **энергия сервис компаниялари (ЭСКО)** хизматлари бозорини ривожлантириш;

- (в) энергия самарадорлиги юқори лойиҳалар портфелини шакллантириш ва уларни амалга ошириш учун хусусий инвестицияларни жалб қилиш;
- (г) энергия самарадорлигини ошириш соҳасида **профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини баҳолаб бориш** тизимини йўлга қўйиш;
- (д) аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида **энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва исрофдан тийилишга** асосланган **турмуш тарзи ва феъл-атворни** шакллантиришга қаратилган энергия истеъмоли маданиятини ошириш **ахборот кампанияларини** ташкил этиш ва молиялаштириш.

## II. Энергия самарадорлигини оширишни рағбатлантириш

### 3. Белгилансинки:

#### (а) 2025 йил 1 июлдан бошлаб:

- (i) аҳоли уй-жойларининг энергия аудитини ўтказиш харажатлари ҳамда қуёш панеллари ва гелиоколлекторлар қийматининг **20 фоизи** ва иссиқлик насослари (ҳаво, сув ва геотермал) қийматининг **40 фоизини**, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда қоплаш учун Агентлик томонидан ўрнатиладиган тартиб асосида субсидия ажратиш йўлга қўйилади;
- (ii) Агентлик томонидан тижорат банкларига жойлаштирилган ресурслар ҳисобидан ЭСКО лойиҳаларни молиялаштириш учун **банк кредитлари ажратилади;**
- (iii) аҳолига ажратиладиган “яшил таъмир” кредитлари бўйича кредит ставкасининг **19 фоиздан ошган қисми**, бироқ **4 фоизлик банддан ошмаган миқдорда** Агентлик маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига қоплаб берилади;

**(б) 2026 йил 1 январдан бошлаб:**

- (i) бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметасидаги тўртинчи гуруҳ харажатларининг камида **5 фоизи** ҳамда бюджетдан ташқари маблағларининг камида **15 фоизи** энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари ва лойиҳалари учун режалаштирилади;
- (ii) ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш дастури энергия самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларга устуворлик бериш асосида шакллантирилади;
- (iii) ижтимоий соҳа объектларида энергия самарадорлигини ошириш лойиҳалари амалга оширилгандан сўнг уларнинг эксплуатациясини **давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим** асосида хусусий секторга бериш амалиёти жорий этилади;
- (iv) Агентлик томонидан ижтимоий соҳа объектлари ва маъмурий биноларнинг энергия аудити натижалари асосида уларнинг энергия паспортлари базаси шакллантирилиб, энергия ресурслари истеъмолини мақбуллаштириш юзасидан мақсадли кўрсаткичлар белгилаб борилади;
- (v) **электрон платформа (маркетплейс)** воситасида аҳоли ва бизнес субъектларини энергия сервис бозоридаги хизмат кўрсатувчилар, етказиб берувчилар ва молия ташкилотлари билан боғлаш, уларга **энергия самарадор технологиялар ва молиялаштириш имкониятлари** юзасидан **Call-марказ, мобил иловалар ва қўлланмалар** орқали амалий ёрдам кўрсатиш хизматлари жорий этилади.

**4. Агентлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:**

- (а) **2025 йил 1 июлга қадар** энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиб, барча бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга етказилишини таъминласин;
- (б) **2025 йил 1 сентябрга қадар** қуйидагиларни кўзда тутувчи **Энергия самарадорлигини ошириш рақамли платформасини** (кейинги ўринларда – Энергия самарадорлиги платфoрмаси) ишга туширсин:
- (i) энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги аудиторлар, консуьтантлар, менежерлар, ЭСКО компаниялар ва верификаторларнинг **ягона реестрини юритиш**;
  - (ii) субсидиялаш ва имтиёзли кредитлаш асосида харид қилинадиган қуёш панеллари, гелиоколлектор, иссиқлик насослари ва бошқа “яшил технологиялар” **ишлаб чиқарувчиларининг рўйхатини тақдим қилиш**;
  - (iii) **энергияни тежашга** хизмат қилувчи маҳсулотлар ва хизматлар, салоҳиятли энергия сервис компаниялари ва молиялаштириш манбалари бўйича маълумотлар ва улардан фойдаланиш юзасидан маслаҳат хизматларини тақдим қилиш.

## 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

- (а) **субсидия ва кредитлар** Агентлик ягона реестрига киритилган энергия аудиторларининг **тегишли хулосалари** асосида ажратилади;
- (б) аҳолига тижорат банклари томонидан ажратиладиган “яшил таъмир” кредитлари “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖнинг “Яшил таъмир” платформасида шакллантирилган “Яшил лойиҳа” сертификати асосида расмийлаштирилади ҳамда ушбу жамият томонидан халқаро молия институтлари маблағлари, бюджет маблағлари, капитал бозорида ёки бошқа манбалардан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан алоҳида ёхуд аралаштирилган тарзда молиялаштирилади;

(в) қуёш панеллари, гелиоколлекторлар ва иссиқлик насосларига субсидиялар фақат Энергия самарадорлиги платформаси орқали сотиб олинadиган ускуналарга татбиқ этилади;

(г) “яшил таъмир” кредитлари бўйича ҳисобланадиган фоиз ставкасини қайта кўриб чиқиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилади.

### III. Молиялаштириш манбалари

6. Агентлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари **Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

(а) Жамғармага 2025 йилда Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм**, 2026–2027 йилларда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб йилига **200 миллиард сўмгача** маблағлар ажратсин;

(б) Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг “Яшил иқтисодиётни молиялаштириш механизми” лойиҳаси доирасида тижорат банклари орқали тадбиркорлик субъектларининг энергия самарадорлигини ошириш лойиҳалари учун **200 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги имтиёзли кредит маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин. Бунда жорий йил якунига қадар камида **20 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларни жалб қилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Агентлик билан бирга Жаҳон банкidan қуйидаги лойиҳалар доирасида жалб қилинган кредит ва грант маблағларини энергия самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш чораларини кўрсин:

- (а) **“Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” ҳамда “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳалари** доирасида энергия самарадорлиги ва углерод нейтраллиги тамойилларига мос лойиҳаларга;
- (б) **“Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия” (CEBU)** лойиҳаси доирасида ижтимоий соҳа объектларида энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаларига;
- (в) **“Энергетика ислоҳотлари учун инновацион углерод ресурсларини қўллаш” (iCRAFT)** лойиҳаси доирасида аҳоли учун қайта тикланувчи ва энергия самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги ПҚ–100-сон қарорида белгиланган 2025 йил учун энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаларига.

#### **IV. Энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш**

**9. Агентлик Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда:**

**(а) уч ой муддатда:**

- (i) **“Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини;**
- (ii) қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар, муқобил иситиш ва совитиш ускуналарини ўрнатувчи тадбиркорлик субъектлари ва истеъмолчи корхоналар, шу жумладан, марказлашган иссиқлик таъминоти тармоғига уланмаган корхоналар ўртасида **электр энергиясини харид қилиш бўйича корпоратив келишувлар (PPA)** механизмини шакллантириш юзасидан таклифларни;

(iii) Агентлик тўғрисидаги низом ҳамда бюджетдан ташқари Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни;

(б) **2025 йил 1 июлга қадар** янги таҳрирдаги Энергия сервис хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ҳамда энергия аудиторларини сертификатлаш тартибини;

(в) **2025 йил 1 октябрга қадар 2026–2030 йилларга мўлжалланган энергия самарадорлигини ошириш бўйича стратегияни тасдиқлаш** тўғрисидаги қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**10.** Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Агентлик билан биргаликда **2025 йил 1 октябрга қадар** ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар учун технологиялар энергия самарадорлигининг “яшил” стандартларини жорий этсин.

**11.** Белгилансинки:

(а) малакаси ҳамда тажрибасидан келиб чиқиб энергия аудиторлари реестри икки тоифага ажратилган ҳолда юритилади:

(i) **бошланғич тоифадаги энергия аудитори** – камида 3 та объектни энергия аудитидан ўтказишда қатнашган, бироқ тегишли малака сертификатига эга бўлмаган энергия аудиторлари тоифаси, уларга фақат аҳоли уй-жойларида энергия аудитини ўтказишга;

(ii) **проффессионал тоифадаги энергия аудитори** – етарли тажриба ва тегишли малака сертификатига эга бўлган энергия аудиторлари тоифаси, уларга устав капиталида 50 фоиз ва ундан юқори давлат улуши мавжуд корхоналар, уй-жойлар, давлат муассасалари, ижтимоий соҳа объектлари, хусусий корхоналарни энергия аудитидан ўтказишга рухсат берилади;

- (б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги ПҚ–77-сон қарорининг 4-илоvasида келтирилган давлат улуши мавжуд йирик корхоналар объектларининг энергия аудити фақатгина Агентлик **ягона реестрига киритилган** ва (ёки) **халқаро миқёсда нуфузга эга бўлган энергия аудиторлари** томонидан ўтказилади;
- (в) устав капиталида 50 фоиз ва ундан юқори давлат улуши мавжуд йирик корхоналарда **“ESG” тамойиллари асосида энергия аудити ва энергия самарадорлигини ошириш** билан боғлиқ барча тадбирлар, шунингдек, **энергия истеъмолини бошқариш, ҳисобини юритиш ва режалаштириш** борасида **энергия менежменти (ISO: 50001)** стандартларини жорий қилиш Агентлик ва “UzAssets” инвестиция компанияси” АЖ билан ҳамкорликда амалга оширилади;
- (г) энергия самарадорлиги нуқтаи назаридан **саноатда ишлаб чиқариш бўйича техник шартлар** ҳамда **шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ)** Агентлик билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади;
- (д) халқаро донорлар ва хусусий капитални жалб этиш, биноларни модернизация қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни жорий этиш ва энергия истеъмолини камайтириш бўйича имтиёзли кредитларни ажратиш механизмлари, шунингдек, ЭСКО лойиҳаларнинг намунавий шартномалари шакллари Агентлик томонидан белгиланади.

## **V. Фармон ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш**

### **12. Агентликка, истисно тариқасида, қуйидагиларга рухсат берилсин:**

- (а) халқаро молия институтлари ва ривожланиш ташкилотларининг энергия самарадорлигини оширишга қаратилган имтиёзли кредит ва грант маблағларини тўғридан-тўғри жалб қилиш билан боғлиқ зарур келишувлар ва меморандумлар имзолаш;

(б) 2025 йилда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалари учун ва йирик давлат корхоналарини энергия аудитидан ўтказиш учун энергия аудиторлари ва ЭСКО компанияларни ёллаш учун тўғридан-тўғри шартнома имзолаш.

**13.** Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган штатлари сони **36 та** этиб белгилансин ҳамда мазкур штат бирликлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимининг **18 та** ҳамда Солиқ қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг **18 та** штат бирлигини қисқартириш ҳисобига киритилсин.

**14.** Вазирлар Маҳкамаси:

(а) **бир ҳафта муддатда** Агентлик фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

(б) **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

**15.** Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик буюртманомаларига асосан жалб этиладиган чет эллик мутахассисларнинг кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**17.** Мазкур Фармоннинг ижросига ҳамда Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириб боришга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

- 18.** Ушбу Фармон ижроси учун масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
айрим ҳужжатларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонида:**

**(а) 1-иловада:**

(i) “Жами” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” устундаги “49 045”, “Давлат бюджети ҳисобидан” устундаги “44 584” ва “бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан” устундаги “4 461” рақамлари тегишинча “49 046”, “44 582” ва “4 464” рақамлари билан алмаштирилсин;

(ii) “1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” бўлимида:

“Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” устундаги “5 766”, “Давлат бюджети ҳисобидан” устундаги “5 734” ва “бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан” устундаги “32” рақамлари тегишинча “5 764”, “5 729” ва “35” рақамлари билан алмаштирилсин;

“Ғазначилик хизмати қўмитаси” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунларидаги “1 147” рақами “1 134” рақами билан алмаштирилсин;

“Кадастр агентлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” устунидаги “995” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунидаги “422” рақамлари тегишинча “988” ва “415” рақамлари билан алмаштирилсин;

(iii) “2. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги” бўлимида “Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунларидаги “1 024” рақами тегишинча “1 014” рақами билан алмаштирилсин;

(iv) “4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” бўлимида “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” устунидаги “2 200” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунидаги “1 883” рақамлари тегишинча “2 195” ва “1 878” рақамлари билан алмаштирилсин;

(v) “11. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги” бўлимда “Туризм қўмитаси” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунларидаги “329” рақами “324” рақами билан алмаштирилсин;

(vi) “14. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” бўлимида:

“Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” устунидаги “401” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунидаги “328” рақамлари тегишинча “406” ва “333” рақамлари билан алмаштирилсин;

“Инновацион ривожланиш агентлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” устунидаги “80” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунидаги “66” рақамлари тегишинча “73” ва “59” рақамлари билан алмаштирилсин;

(vii) “17. Адлия вазирлиги” бўлимида “Адлия вазирлиги” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” устунидаги “3 637” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунидаги “1 882” рақамлари тегишинча “3 632” ва “1 877” рақамлари билан алмаштирилсин;

(viii) “33. Солиқ қўмитаси” бўлимида “Солиқ қўмитаси” позициясининг “Жами бошқарув штат бирликлари сони” ва “Давлат бюджети ҳисобидан” устунларидаги “9 745” рақами “9 727” рақами билан алмаштирилсин;

(ix) 37-бўлим 34-бўлим деб ҳисоблансин;

(x) қуйидаги мазмундаги 35-бўлим билан тўлдирилсин:

“

| <b>35. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги</b> |                                                 |    |    |  |
|---------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------|----|----|--|
|                                                                                 | Энергия самарадорлиги миллий агентлиги          | 36 | 36 |  |
|                                                                                 | <i>шу жумладан, директор ўринбосарлари сони</i> | 2  | 2  |  |

”;

(б) 2-иловада:

(i) қуйидаги мазмундаги 38-банд билан тўлдирилсин:

“38. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Энергия самарадорлиги миллий агентлиги”;

(ii) изоҳлар қисмидаги “14” рақами “13” рақами билан, “5” рақами “6” рақами билан, “26” рақами “27” рақами билан, “8” рақами “9” рақами билан алмаштирилсин;

(в) 2а-илова қуйидаги мазмундаги 38-позиция билан тўлдирилсин:

“

|            |                                                                                                     |                                 |                               |
|------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------|-------------------------------|
| <b>38.</b> | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги <b>Энергия самарадорлиги миллий агентлиги</b> | Энергия самарадорлиги агентлиги | Агентство энергоэффективности |
|------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------|-------------------------------|

”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–133-сон Фармонига 1-иловада “228” рақами “233” рақами билан алмаштирилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги ПҚ–78-сон қарори билан тасдиқланган 2025 йилда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”нинг 18-позициясида:
- (а) “Чора-тадбирлар номи” устуни “(кейинги ўринларда – Уюшма)” сўзларидан кейин “15 йил муддатга” сўзлари билан тўлдирилсин;
- (б) “Ижро муддати” устунидаги “март” сўзи “май” сўзи билан алмаштирилсин.





# **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI**

---

2025 yil «27» марта

№ УП–63

## **О мерах по совершенствованию государственного управления в сфере повышения энергоэффективности и развитию рынка услуг энергосервисных компаний**

В целях ведения **единой государственной политики** в сфере повышения энергоэффективности, создания основанной на рыночных принципах **целостной и скоординированной экосистемы**, в том числе развития **аудита, консалтинга и менеджмента** в области энергопотребления и **рынка услуг энергосервисных компаний**, получающих доход от энергосбережения, а также расширения **«зеленых» финансовых инструментов** в «Год охраны окружающей среды и «зеленой экономики» **постановляю:**

### **I. Совершенствование государственного управления**

- 1. Образовать Национальное агентство по энергоэффективности** при Кабинете Министров (далее – Агентство).
- 2. Определить основными задачами Агентства:**
  - (а) ведение единой государственной политики** в сфере повышения энергоэффективности, разработку и регулирование **мер стимулирования и воздействия** в сфере;
  - (б) развитие рынка услуг энергосервисных компаний (ЭСКО),** получающих доход от энергосбережения;

- (в) формирование портфеля проектов с высокой энергоэффективностью и привлечение частных инвестиций на их реализацию;
- (г) внедрение системы **подготовки, переподготовки и оценки квалификации профессиональных кадров** в сфере повышения энергоэффективности;
- (д) организацию и финансирование **информационных кампаний** по повышению культуры энергопотребления, ориентированных на формирование **поведения и образа жизни**, основанных на **рациональном использовании и воздержании от расточительного потребления энергоресурсов** среди населения и предпринимателей.

## II. Стимулирование повышения энергоэффективности

### 3. Определить, что:

(а) начиная с **1 июля 2025 года**:

- (i) внедряется выделение субсидий на основе установленного Агентством порядка на компенсацию **20 процентов** расходов по проведению энергоаудита жилых помещений населения, а также стоимости солнечных панелей и гелиоколлекторов и **40 процентов** стоимости тепловых насосов (воздушных, водяных и геотермальных), но не более 50-кратного размера базовой расчетной величины;
- (ii) выделяются **банковские кредиты** для финансирования проектов ЭСКО за счет ресурсов, размещенных Агентством в коммерческих банках;
- (iii) по выделяемым населению кредитам «зеленый ремонт» коммерческим банкам за счет средств Агентства компенсируется часть, превышающая **19 процентов**, но в размере **не более 4 процентных пунктов** кредитной ставки;

(б) начиная с **1 января 2026 года**:

- (i) не менее **5 процентов** расходов четвертой группы сметы расходов бюджетных организаций и получателей бюджетных средств, а также не менее **15 процентов** их внебюджетных средств планируется на мероприятия и проекты по повышению энергоэффективности;
- (ii) Программа развития социальной и производственной инфраструктуры формируется на основе предоставления приоритета проектам, направленным на повышение энергоэффективности;
- (iii) внедряется практика передачи частному сектору эксплуатации объектов социальной сферы на основе **соглашения о государственно-частном партнерстве** после реализации в них проектов по повышению энергоэффективности;
- (iv) Агентством формируется база энергопаспортов объектов социальной сферы и административных зданий на основе результатов их энергоаудита, а также определяются целевые показатели оптимизации потребления энергоресурсов;
- (v) посредством **электронной платформы (маркетплейса)** внедряются услуги связи населения и бизнес-субъектов с организациями, занимающимися оказанием услуг, поставкой и финансированием на рынке энергосервиса, оказания им практической помощи по **энергоэффективным технологиям** и **возможностям финансирования** с помощью **Call-центров, мобильных приложений и пособий**.

**4. Агентству совместно с Министерством экономики и финансов:**

- (а) **до 1 июля 2025 года** разработать и обеспечить доведение до всех бюджетных организаций и получателей бюджетных средств методических указаний о реализации мероприятий и проектов по повышению энергоэффективности;
- (б) **до 1 сентября 2025 года** запустить **Цифровую платформу по повышению энергоэффективности** (далее – Платформа энергоэффективности), предусматривающую:
  - (i) ведение **Единого реестра** аудиторов, консультантов, менеджеров, ЭСКО-компаний и верификаторов в сфере повышения энергоэффективности;
  - (ii) представление **Перечня производителей** солнечных панелей, гелиоколлекторов, тепловых насосов и иных «зеленых технологий», приобретаемых на основе субсидирования и льготного кредитования;
  - (iii) предоставление сведений и консультационных услуг по способствующей энергосбережению продукции и услугам, обладающим потенциалом энергосервисным компаниям и источникам финансирования.

**5. Установить порядок, в соответствии с которым:**

- (а) **субсидии и кредиты** выделяются на основании **соответствующего заключения** энергоаудиторов, включенных в Единый реестр Агентства;
- (б) кредиты «зеленый ремонт», выделяемые населению коммерческими банками, оформляются на основании сертификата «Зеленый проект», сформированного на платформе «Зеленый ремонт» АО «Компания по рефинансированию ипотеки Узбекистана», и финансируются этим обществом за счет привлеченных средств международных финансовых институтов, бюджетных средств, средств на рынке капитала или иных источников отдельно либо в смешанной форме;

- (в) субсидии на солнечные панели, гелиоколлекторы и тепловые насосы распространяются исключительно на оборудование, приобретаемое посредством Платформы энергоэффективности;
- (г) полномочие пересмотра процентной ставки по кредитам «зеленый ремонт» предоставляется Кабинету Министров.

### III. Источники финансирования

6. Создать внебюджетный **Фонд стимулирования и поддержки энергоэффективности** при Агентстве (далее – Фонд) без образования юридического лица.

7. Министерству экономики и финансов:

(а) выделить Фонду из Государственного бюджета в 2025 году средства в размере **100 миллиардов сумов**, в 2026–2027 годах исходя из потребностей населения – ежегодно **до 200 миллиардов сумов**;

(б) принять меры по привлечению посредством коммерческих банков средств льготных кредитов в размере **200 миллионов долларов США** на проекты по повышению энергоэффективности субъектов предпринимательства в рамках проекта «**Механизм финансирования зеленой экономики**» Европейского банка реконструкции и развития. При этом до конца текущего года привлечь средства в размере не менее **20 миллионов долларов США**.

8. Министерству экономики и финансов совместно с Агентством принять меры по направлению на финансирование дополнительных мероприятий, направленных на повышение энергоэффективности, кредитных и грантовых средств Всемирного банка, привлеченных в рамках следующих проектов:

- (а) проектов, соответствующих принципам энергоэффективности и углеродной нейтральности, в рамках проектов **«Развитие сельской инфраструктуры»** и **«Комплексное развитие средних городов»**;
- (б) проектов по повышению энергоэффективности на объектах социальной сферы в рамках проекта **«Чистая энергия для зданий в Узбекистане» (CEBU)**;
- (в) проектов возобновляемой энергии и повышения энергоэффективности в рамках проекта **«Применение инновационных углеродных ресурсов для энергетических реформ» (iCRAFT)**, а также повышения энергоэффективности на 2025 год, определенных постановлением Президента Республики Узбекистан от 11 марта 2025 года № ПП–100.

#### **IV. Совершенствование законодательства в сфере повышения энергоэффективности**

**9.** Агентству совместно с Министерством экономики и финансов, Министерством энергетики разработать и внести в Кабинет Министров:

**(а) в трехмесячный срок:**

- (i) проект закона «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об экономии энергии, ее рациональном использовании и повышении энергоэффективности»;
- (ii) предложения о формировании механизмов **корпоративных соглашений по закупкам электроэнергии (PPA)** между производителями возобновляемых источников энергии, субъектами предпринимательства, занимающимися установкой оборудования альтернативного отопления и охлаждения, и предприятиями-потребителями, включая предприятия, не подключенные к системе централизованного теплоснабжения;

(iii) Положение об Агентстве, а также Положение о внебюджетном Фонде стимулирования и поддержки энергоэффективности;

(б) в срок **до 1 июля 2025 года** – проект Положения о порядке оказания энергосервисных услуг в новой редакции, а также порядок сертификации энергоаудиторов;

(в) в срок **до 1 октября 2025 года** – проект постановления об утверждении Стратегии повышения энергоэффективности на 2026–2030 годы.

**10.** Узбекскому агентству по техническому регулированию совместно с Агентством **до 1 октября 2025 года** внедрить «зеленые» стандарты энергоэффективности технологий для производителей и импортеров.

**11.** Определить, что:

(а) Реестр энергоаудиторов ведется с **разделением на две категории** исходя из их квалификации и опыта:

(i) **энергоаудитор начальной категории** – категория энергоаудиторов, принявших участие в проведении энергоаудита минимум на 3 объектах, но **не имеющих соответствующего квалификационного сертификата**, при этом им разрешается проводить энергоаудит только в жилых помещениях населения;

(ii) **энергоаудитор профессиональной категории** – категория энергоаудиторов, имеющих достаточный опыт и **соответствующий квалификационный сертификат**, при этом им разрешается проводить энергоаудит на предприятиях, в уставном капитале которых государственная доля составляет 50 процентов и более, в жилых помещениях, государственных учреждениях, на объектах социальной сферы, частных предприятиях;

- (б) энергоаудит объектов крупных предприятий с государственной долей, приведенных в приложении № 4 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 27 февраля 2025 года № ПП–77, проводится исключительно **энергоаудиторами**, включенными в **Единый реестр** Агентства и (или) имеющими **авторитет на международном уровне**;
- (в) все мероприятия, связанные с **энергоаудитом** и **повышением энергоэффективности на основе принципов «ESG»**, а также внедрение стандартов **энергоменеджмента (ISO: 50001)** в управление, учет и планирование энергопотребления крупных предприятий, в уставном капитале которых государственная доля составляет 50 процентов и более, осуществляются в сотрудничестве с Агентством и АО «Инвестиционная компания «UzAssets»;
- (г) с точки зрения энергоэффективности **технические условия производства в промышленности**, а также **градостроительные нормы и правила (ГНП)** разрабатываются по согласованию с Агентством;
- (д) механизмы привлечения международных доноров и частного капитала, модернизации зданий, выделения льготных кредитов на внедрение альтернативных источников энергии и сокращение энергопотребления, а также типовые формы договоров в рамках проектов ЭСКО устанавливаются Агентством.

## **V. Организация и контроль исполнения Указа**

### **12. Разрешить Агентству в порядке исключения:**

- (а) подписывать необходимые соглашения и меморандумы, связанные с прямым привлечением средств льготных кредитов и грантов международных финансовых институтов и организаций развития, направленных на повышение энергоэффективности;

- (б) подписывать прямые договоры найма энергоаудиторов и ЭСКО-компаний для пилотных проектов, реализуемых в 2025 году, и проведения энергоаудита на крупных государственных предприятиях.
- 13.** Установить предельную штатную численность управленческого персонала Агентства **36** штатных единиц, ввести данные штатные единицы за счет сокращения **18** штатных единиц в системе Министерства экономики и финансов, а также **18** штатных единиц региональных управлений Налогового комитета.
- 14.** Кабинету Министров внести в Администрацию Президента Республики Узбекистан:
- (а) в **недельный срок** – проект нормативно-правового акта об организации деятельности Агентства;
- (б) в **двухмесячный срок** – предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего Указа.
- 15.** Министерству иностранных дел на основании заявок Агентства обеспечить оформление въездных виз привлекаемым зарубежным специалистам без взимания консульских и иных сборов в установленном порядке.
- 16.** Внести изменения и дополнения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан согласно приложению.
- 17.** Возложить на заместителя Премьер-министра Кучкарова Д.А. персональную ответственность за исполнение настоящего Указа, а также осуществление координации деятельности Агентства.

- 18.** Осуществление координации деятельности министерств и ведомств, ответственных за исполнение настоящего Указа, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент

**Изменения и дополнения,  
вносимые в некоторые акты Президента Республики Узбекистан**

**1. В Указе Президента Республики Узбекистан от 25 января 2023 года № УП–14 «О первоочередных организационных мерах по эффективному налаживанию деятельности республиканских органов исполнительной власти»:**

**(а) в приложении № 1:**

**(i) в позиции «Всего» в графе «Общее количество управленческих штатных единиц» цифру «49 045», в графе «за счет Государственного бюджета» цифру «44 584» и в графе «за счет средств внебюджетных фондов» цифру «4 461» заменить соответственно цифрами «49 046», «44 582» и «4 464»;**

**(ii) в разделе «1. Министерство экономики и финансов»:**

**в позиции «Министерство экономики и финансов» в графе «Общее количество управленческих штатных единиц» цифру «5 766», в графе «за счет Государственного бюджета» цифру «5 734» и в графе «за счет средств внебюджетных фондов» цифру «32» заменить соответственно цифрами «5 764», «5 729» и «35»;**

**в позиции «Комитет казначейской службы» в графах «Общее количество управленческих штатных единиц» и «за счет Государственного бюджета» цифру «1 147» заменить цифрой «1 134»;**

**в позиции «Агентство по кадастру» в графе «Общее количество управленческих штатных единиц» цифру «995» и в графе «за счет Государственного бюджета» цифру «422» заменить соответственно цифрами «988» и «415»;**

- (iii) в разделе «2. Министерство инвестиций, промышленности и торговли» в позиции «Министерство инвестиций, промышленности и торговли» в графах «Общее количество управленческих штатных единиц» и «за счет Государственного бюджета» цифру «1 024» заменить цифрой «1 014»;
- (iv) в разделе «4. Министерство сельского хозяйства» в позиции «Министерство сельского хозяйства» в графе «Общее количество управленческих штатных единиц» цифру «2 200» и в графе «за счет Государственного бюджета» цифру «1 883» заменить соответственно цифрами «2 195» и «1 878»;
- (v) в разделе «11. Министерство экологии, охраны окружающей среды и изменения климата» в позиции «Комитет по туризму» в графах «Общее количество управленческих штатных единиц» и «за счет Государственного бюджета» цифру «329» заменить цифрой «324»;
- (vi) в разделе «14. Министерство высшего образования, науки и инноваций»:
  - в позиции «Министерство высшего образования, науки и инноваций» в графе «Общее количество управленческих штатных единиц» цифру «401» и в графе «за счет Государственного бюджета» цифру «328» заменить соответственно цифрами «406» и «333»;
  - в позиции «Агентство инновационного развития» в графе «Общее количество управленческих штатных единиц» цифру «80» и в графе «за счет Государственного бюджета» цифру «66» заменить соответственно цифрами «73» и «59»;

(vii) в разделе «17. Министерство юстиции» в позиции «Министерство юстиции» в графе «Общее количество управленческих штатных единиц» цифру «3 637» и в графе «за счет Государственного бюджета» цифру «1 882» заменить соответственно цифрами «3 632» и «1 877»;

(viii) в разделе «33. Налоговый комитет» в позиции «Налоговый комитет» в графах «Общее количество управленческих штатных единиц» и «за счет Государственного бюджета» цифру «9 745» заменить цифрой «9 727»;

(ix) раздел 37 считать разделом 34;

(x) дополнить разделом 35 следующего содержания:

«

| <b>35. Национальное агентство по энергоэффективности при Кабинете Министров</b> |                                               |    |    |  |
|---------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------|----|----|--|
|                                                                                 | Национальное агентство по энергоэффективности | 36 | 36 |  |
| <i>в т.ч. количество заместителей директора</i>                                 |                                               | 2  | 2  |  |

»;

(б) в приложении № 2:

(i) дополнить пунктом 38 следующего содержания:

«38. Национальное агентство по энергоэффективности при Кабинете Министров»;

(ii) в примечании цифру «14» заменить цифрой «13», цифру «5» – цифрой «6», цифру «26» – цифрой «27», цифру «8» – цифрой «9»;

(в) приложение № 2а дополнить позицией 38 следующего содержания:

«

|            |                                                                                                   |                                        |                                         |
|------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|-----------------------------------------|
| <b>38.</b> | <b>Национальное агентство по энергоэффективности при Кабинете Министров Республики Узбекистан</b> | <b>Энергия самарадорлиги агентлиги</b> | <b>Агентство по энергоэффективности</b> |
|------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|-----------------------------------------|

».

2. В приложении № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 11 августа 2023 года № УП–133 «О мерах по дальнейшему повышению эффективности деятельности Кабинета Министров Республики Узбекистан» цифру «228» заменить цифрой «233».
3. В тексте на узбекском языке позиции 18 «Дорожной карты» по дальнейшему развитию сферы услуг на 2025 год, утвержденной постановлением Президента Республики Узбекистан от 27 февраля 2025 года № ПП–78:
- (а) графу «Чора-тадбирлар номи» после слов «(кейинги ўринларда – Уюшма)» дополнить словами «15 йил муддатга»;
- (б) в графе «Ижро муддати» слово «март» заменить словом «май».

